

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрида Жиззах вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 5 356,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 4,1 % га ўсди.

2018 йил январь-сентябрь ойлари якуни бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4 012,8 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,1 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Жиззах вилоятининг қўшган хиссаси 2,2 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича Ялпи ҳудудий маҳсулот

	Млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан % да
	2017 йил январь-сентябр.	2018 йил январь-сентябр.	
I. ЯҲМ	4 147,8	5 356,7	104,1
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3 978,6	5 107,2	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	169,3	249,5	106,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3 978,6	5 107,2	104,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 393,6	1 887,7	101,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	917,4	1 187,3	101,2
саноат	572,1	729,0	97,6
қурилиш	345,3	458,3	107,3
Хизматлар	1 667,6	2 032,1	107,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	425,8	566,9	112,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	318,8	349,8	107,0
бошқа хизмат тармоқлари	922,9	1 115,5	104,9

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати –101,8 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши - 37,0 %) қурилиш – 107,3 % (9,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 112,8 % (11,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,0 % (6,8 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,9 % (21,8 %) ва саноат – 97,6 % (14,3 %) ни ташкил этди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 95,3 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 4,7 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2,0 % пунктга ошди ва ҳисобот йилида 37,0 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 0,2 % пунктга ошди ва 23,3 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йил январь-сентябрь 39,7 % ни ташкил этди ва 2017 йилниг шу даврида (41,9 %) билан таққосланганда 2,2 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда):

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ тармоқлари таркибидаги улуши 2017 йил январь – сентябрдаги 10,7 % дан 2018 йил январь – сентябрда 11,1 % га ошди, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,8 % ни (2017 йил январь – сентябрда 8,0 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 21,8 % ни (2017 йил январь – сентябрда 23,2 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 йил
январь – сентябрь**



**2018 йил
январь – сентябрь**



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Жиззах вилояти статистика бошқармаси
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими
Нашр учун масъул: Б.Юлдашев
Телефон: (0371) 230-83-42